

**НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
PhD.03/04.06.2020.Ped.76.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**А.АВЛОНИЙ НОМИДАГИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ТИЗИМИ РАҲБАР ВА  
МУТАХАССИС ХОДИМЛАРИНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА  
МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ИНСТИТУТИ**

**ГАЙНАЗАРОВА ГУЛБАХОР АБДУЛЛАЕВНА**

**МАЛАКА ОШИРИШ ЖАРАЁНИДА МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ  
ТАШКИЛОТЛАРИ ТАРБИЯЧИЛАРИ КАСБИЙ  
КОМПЕТЕНТЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ**

**13.00.08 – Мактабгача таълим ва тарбия назарияси ва методикаси**

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Наманган – 2022**

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по  
педагогическом наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on  
pedagogical sciences**

**Гайназарова Гулбахор Абдуллаевна**

Малака ошириш жараёнида мактабгача таълим ташкилотлари тарбиячилари  
касбий компетентлигини ривожлантириш ..... 5

**Гайназарова Гулбахор Абдуллаевна**

Развитие профессиональной компетентности педагогов дошкольных  
образовательных организаций в процессе повышения квалификации..... 27

**Gaynazarova Gulbakhor Abdullayevna**

Developing the professional competence of preschool educators in the process of  
in-service training ..... 51

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of publication..... 56

**НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**PhD.03/04.06.2020.Ped.76.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**А.АВЛОНИЙ НОМИДАГИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ТИЗИМИ РАҲБАР ВА**  
**МУТАХАССИС ХОДИМЛАРИНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА**  
**МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ИНСТИТУТИ**

**ГАЙНАЗАРОВА ГУЛБАХОР АБДУЛЛАЕВНА**

**МАЛАКА ОШИРИШ ЖАРАЁНИДА МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ**  
**ТАШКИЛОТЛАРИ ТАРБИЯЧИЛАРИ КАСБИЙ**  
**КОМПЕТЕНТЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ**

**13.00.08 – Мактабгача таълим ва тарбия назарияси ва методикаси**

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси**  
**АВТОРЕФЕРАТИ**

**Наманган – 2022**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.3.PhD/Ped488 рақам билан рўйхатга олинган.**

Докторлик диссертацияси Халқ таълими тизими раҳбар ва мутахассис ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида ([www.namdu.uz](http://www.namdu.uz)) ҳамда «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида ([www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар**

**Ибрагимов Холбой Ибрагимович**  
педагогика фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Асқарова Ўғилхон Мамашакировна**  
педагогика фанлари доктори, профессор

**Абдурахимова Дилфузахон Алиевна**  
педагогика фанлари доктори, доцент

**Етакчи ташкилот:**


**Чирчиқ давлат педагогика институти**


Диссертация ҳимояси Наманган давлат университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи PhD.03/04.06.2020.Ped.76.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил 1 феврал соат 10:00 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 160119, Наманган шаҳри, Уйчи кўчаси 316-уй. Тел.: (+998-69) 228-85-01; факс: (+998) 69-228-85-02, e-mail: [info@namdu.uz](mailto:info@namdu.uz))


Диссертация билан Наманган давлат университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (685 рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 160119, Наманган шаҳри, Уйчи кўчаси 316-уй. Тел.: (+998) 69-227-29-81),

Диссертация автореферати 2022 йил 19 январь куни тарқатилди.  
(2022 йил 19 январьдаги 10 рақамли реестр баённомаси).



  
**Т. Файзуллаев**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, с.ф.д., профессор

  
**Ш.К. Хўжамбердиева**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент

  
**К.М. Боймирзаев**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, г.ф.д., доцент

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳонда мактабгача таълим ташкилотлари тарбиячиларининг узлуксиз таълим жараёнларида малакасини ошириш, касбий компетентлигини ривожлантиришнинг креатив технологияларини амалиётга жорий этиш муҳим вазифа сифатида эътироф этилмоқда. Жаҳон таълим форумида (World Education Forum, 19-22-may 2015, Incheon, Republic of Korea) тасдиқланган "2030 йилгача белгиланган халқаро таълим концепцияси (Инcheon декларацияси)" (Incheon Declaration/Education 2030)да "сифатли таълим олиш ва педагог кадрларнинг касбий маҳоратларини ошириш" долзарб вазифа сифатида белгиланиб, малака ошириш жараёнини давр талаблари даражасида ташкил қилиш, хусусан, мактабгача таълим тизимини малакали кадрлар билан таъминлаш мақсадида тарбиячиларнинг касбий компетентлигини ривожлантириш, замонавий педагогик ва ахборот-коммуникацион технологиялардан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш доирасида кўплаб йирик лойиҳаларни амалиётга татбиқ этиш ва уни илмий-педагогик муаммо сифатида тадқиқ этиш долзарб аҳамият касб этмоқда.

Ривожланган мамлакатлар қаторида АҚШ, Россия, Буюк Британия, Германия, Жанубий Корея, Норвегия, Финляндия, Греция каби давлатларда таълим жараёнларини моделлаштириш, лойиҳалаштириш, мактабгача таълим тизими педагог ходимлари малакасини ошириш жараёнида интегратив ёндашувлар асосида малака ўқув материалларини ўзлаштиришга нисбатан мотивациясини ошириш ҳамда уларнинг касбий компетентлигини ривожлантириш бўйича илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Дунё мамлакатлари таълим амалиёти мактабгача таълим ташкилотлари тарбиячиларини касбий тайёрлаш, компетентлигини ривожлантириш ва малака ошириш жараёнларининг узвийлик ва узлуксизлигини таъминлаш, шунингдек, замонавий талабларга мувофиқ малака ошириш жараёнларини сифатли ташкил қилишнинг илмий-методик таъминотини такомиллаштириш асосида самарадорликка эришишни тақозо этувчи педагогик шарт-шароитлар яратишнинг илмий-назарий асослари ва моделларини ишлаб чиқиш зарурати мавжуд.

Республикамизда мактабгача таълим тизими ходимларининг малакасини ошириш борасида таълим дастурларини такомиллаштириш, замонавий ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш, мустақил таълим олишни назарда тутувчи воситаларни таълим жараёнига жорий этиш орқали малака оширишни ривожлантиришнинг меъёрий асослари яратилди. "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси"да "узлуксиз таълим тизимини янада такомиллаштириш, сифатли таълим хизматларининг имкониятларини ошириш, меҳнат бозорига замонавий эҳтиёжларига мос юқори малакали кадрлар тайёрлаш сиёсатини давом эттириш" устувор вазифа этиб белгиланган. Сўнгги йилларда мактабгача таълим тизимига қаратилган эътибор ва соҳани узоқ муддатли ривожлантириш стратегияси тизимда болалар қамрови имкониятларини

кенгайтириш, моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, тарбиячиларнинг касбий компетентлигини ривожлантириш механизмларини такомиллаштириш бўйича олиб борилаётган тадқиқотлар самарадорлигини оширишда ўзига хос ёндашувни талаб этади. Жумладан, мактабгача таълим ташкилотлари тарбиячилари ўртасида соғлом рақобатни ошириш, уларнинг касбий компетентлигини ривожлантириш муаммоларининг ечимига олиб борадиган натижадорликка эътибор қаратиш юзасидан илмий-тадқиқотлар кўламини ошириш имкониятларини яратмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги, 2017 йил 30 сентябрдаги ПФ-5198-сон “Мактабгача таълим тизими бошқарувини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонлари, 2017 йил 9 сентябрдаги ПҚ-3261-сон “Мактабгача таълим тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2017 йил 30 сентябрдаги ПҚ-3305-сон “Ўзбекистон Республикаси мактабгача таълим вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги, 2019 йил 8 майдаги ПҚ-3312-сон “Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарорлари ҳамда мазкур соҳага тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу тадқиқот иши муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот иши республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Республикамизда мактабгача таълим тизими ва унда таълим-тарбия ишларини ташкил қилиш, бошқариш муаммоси турли аспектларда ўрганиб келинмоқда. Хусусан, педагог кадрларни тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини ривожлантиришнинг назарий асослари, педагог кадрлар малакасини ошириш ва уларнинг касбий маҳоратларини ривожлантириш масалалари А.Х.Аминов, А.Д.Асқаров, А.Е.Ибраймов, Ш.Қ.Мардонов, Н.А.Муслимов, Б.Нуриддинов, Х.Ф.Рашидов, Ш.Саидқулов, Ф.М.Тожиева, М.А.Умаралиева, А.А.Шаюсупова; раҳбар кадрлар бошқаруви ва малака ошириш тизимининг илмий-методологик асослари М.Аҳмедов, Д.Маматқулов, К.А.Маматқулова, М.Т.Мирсолиева, Ш.И.Низамова, С.Т.Турғунов, М.А.Юлдашев; мактабгача таълим ташкилотлари педагог кадрлари малакасини ошириш, уларнинг касбий компетентлигини ривожлантириш методикаси С.С.Раҳимова, М.Т.Ҳамдамова, М.Н.Хушназаровалар томонидан тадқиқ қилинган.

Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги (МДХ) давлатлари олимларидан Ю.П.Азаров, И.Н.Асаева, Б.С.Гершунский, Л.В.Занина, Ю.Н.Кулюткин, А.К.Маркова, К.И.Махмутова, С.А.Пятаева, М.Н.Скаткин,

В.А.Сластенин, М.А.Чошановларнинг ишларида педагог шахсининг шаклланиши, касбий компетентликнинг такомиллашуви борасидаги муаммолар ва уларни ҳал этиш йўллари кенг ёритилган.

Хорижий давлатларда В.Margarit, G.Porter, Barnett каби олимларнинг ишларида тарбиячилар касбий компетенциялари таснифи, уларни шакллантириш ҳамда ривожлантиришнинг усул ва йўллари ўрганилган бўлса, А.Hyuston, M.Alvestad, Sh.Susan, S.Pramling, M.Montessori кабиларнинг тадқиқотларида мактабгача таълим муассасаларида таълим-тарбия жараёнини ривожлантиришнинг йўллари, усуллари, тамойиллари ҳамда илмий-методологик асослари тадқиқ этилган.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Абдулла Авлоний номидаги Халқ таълими тизими раҳбар ва мутахассис ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг ПЗ-2016-0910145757-рақамли – “Халқ таълими ходимларининг малака ошириш курсларидан кейинги фаолиятларини педагогик қўллаб-қувватлаш технологияларини ишлаб чиқиш” мавзусидаги амалий лойиҳаси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** малака ошириш жараёнида мактабгача таълим ташкилотлари тарбиячилари касбий компетентлигини ривожлантириш методикасини такомиллаштиришдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

мактабгача таълим ташкилотлари тарбиячиларининг узлуксиз малакасини ошириш жараёнларининг педагогик имкониятларини таҳлил қилиш;

малака ошириш жараёнида мактабгача таълим ташкилотлари тарбиячиларининг касбий компетентлигини ривожлантириш технологияларининг дидактик имкониятларини очиқ бериш;

малака ошириш жараёнида мактабгача таълим ташкилотлари тарбиячиларининг касбий компетентлигини ривожлантириш моделини ишлаб чиқиш;

малака ошириш жараёнида мактабгача таълим ташкилотлари тарбиячиларининг касбий компетентлигини ривожлантириш бўйича илмий-методик тавсиялар тизимини ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида малака ошириш жараёнида мактабгача таълим ташкилотлари тарбиячилари касбий компетентлигини ривожлантириш жараёнлари олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** мактабгача таълим ташкилотлари тарбиячилари касбий компетентлигини ривожлантиришнинг мазмуни, шакл, метод, воситалари ва технологиялари ташкил этади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқотда адекват ҳолатда ўрганишни таъминлашга қаратилган назарий (қиёсий-таққослаш, моделлаштириш, таҳлилий-статистик), диагностик (педагогик кузатув, сўровлар, тест, суҳбат), прогностик (эксперт баҳолаш, мустақил баҳоларни умумлаштириш),

педагогик эксперимент ва математик (маълумотларга статистик ишлов бериш, натижаларни график тасвирлаш) методлар мажмуидан фойдаланилди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

мактабгача таълим ташкилотлари тарбиячиларининг узлуксиз таълимда малакасини ошириш жараёнларининг педагогик ва касбий компетентликни ривожлантириш технологияларининг дидактик имкониятлари касбий компетентлик ва андрагогика тамойилларини умумпедагогик талаблар билан мазмунли-компонентли оптималлаштириш асосида такомиллаштирилган;

мактабгача таълим ташкилотлари тарбиячиларининг касбий компетентлигини ривожлантиришнинг тизимли-функционал модели методик компетенцияларни шакллантиришнинг самарали, креатив-ижодий ва инновацион фаолиятни ташкил этишда ахборот майдони ва медиа муҳитни интерфаол ҳамкорликда интеграллаш асосида ишлаб чиқилган;

малака ошириш жараёнида мактабгача таълим ташкилотлари тарбиячилари касбий компетентлик даражаларига қўйилаётган талаблар тизими уларнинг курсдан кейинги фаолият траекториясига мослашувчан даврий ва методик тайёргарлигини назорат қилувчи механизмнинг алгоритмик босқичларини рақамли мониторинг муҳитида аниқлаштириш асосида такомиллаштирилган;

малака ошириш тизимида мактабгача таълим ташкилотлари тарбиячиларининг касбий компетентлигини ривожлантиришда компетенциявий, акмеологик ва шахсга йўналтирилган замонавий педагогик ёндашувлар ҳамда “Меню”, “Рецепт”, “Блокчейн”, “Веб-квест” каби тенденциялардан фойдаланишга қаратилган педагоглар инновацион фаолияти самарадорлигини таъминлаш механизми ишлаб чиқилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

малака ошириш жараёнида тарбиячиларнинг касбий компетентлигини ривожлантиришнинг самарали метод ва воситалари аниқланган, улардан фойдаланишнинг назарий-амалий асослари ишлаб чиқилган;

малака ошириш жараёнида тарбиячиларнинг касбий компетентлигини такомиллаштириш бўйича электрон ўқув-услугий мажмуа ва дастурий таъминот ишлаб чиқилган;

мактабгача таълим ташкилотлари тарбиячиларининг касбий компетентлик даражаларини оширишга қаратилган интерфаол амалий машғулот ишланмалари яратилган;

мактабгача таълим ташкилотлари тарбиячиларининг малакасини ошириш курслари учун “Мактабгача таълимда замонавий ёндашувлар” номли қўлланма нашр эттирилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** билиш назарияси методологияси (билишнинг диалектик методи, ўқув фанлари, жамият ва табиат ходисаларини таҳлил қилишга тизимли ёндашув) ҳамда педагогик таълим соҳасидаги республикамиз ва хорижий давлатлар олимларининг ишларига асосланганлиги, таҳлил ва тадқиқот тавсифининг миқдор ҳамда сифат жиҳатидан таъминланганлиги, фалсафий ҳамда илмий-педагогик ёндашув, тадқиқот мақсади, объекти, предмети, вазифаларига мос келувчи



методлар мажмуасидан фойдаланилганлиги, ишда фойдаланилган маълумотлар расмий манбалардан олинганлиги, келтирилган таҳлиллар ва тажриба-синов ишлари самарадорлигининг математик-статистика методлари воситасида асосланганлиги, хулоса, таклиф ва тавсиялар ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти малака ошириш жараёнида мактабгача таълим ташкилотлари тарбиячилари касбий компетентлигини ривожлантириш долзарб муаммо эканлиги асосланганлиги, мактабгача таълим ташкилотлари тарбиячилари касбий компетентлигини ривожлантириш тузилмаси ва моделининг ишлаб чиқилганлиги, олинган натижалар таҳлили мактабгача таълим ташкилотлари тарбиячилари касбий компетентлигини ривожлантириш моделидан малака ошириш жараёнида фойдаланилганлиги ва ижобий натижалар олинганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти яратилган дастурий таъминот ва методик тавсиялар тизими, интерфаол амалий машғулот ишланмалари, ўқув қўлланмалардан мактабгача таълим ташкилотлари тарбиячиларининг малака ошириш жараёнларини самарали ва замонавий технологиялар асосида ташкил қилишда фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Малака ошириш жараёнида мактабгача таълим ташкилотлари тарбиячилари касбий компетентлигини ривожлантиришга доир тадқиқот натижалари асосида:

мактабгача таълим ташкилотлари тарбиячиларининг узлуксиз таълимда малакасини ошириш жараёнларининг педагогик ва касбий компетентликни ривожлантириш технологияларининг дидактик имкониятлари касбий компетентлик ва андрагогика тамойилларини умумпедагогик талаблар билан оптималлаштириш асосида такомиллаштиришга доир таклиф ва тавсиялардан Халқ таълими вазирлигининг 2020 йил 3 январдаги “Халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш ишларини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги 2-сонли буйруғи билан тасдиқланган тарбиячилар касбий компетентлигига қўйиладиган малака талабларини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Мактабгача таълим вазирлигининг 2020 йил 2 сентябрдаги 02-02/2-1059-сонли маълумотномаси). Натижада, тарбиячиларнинг малака ошириш таълим мазмуни уларнинг касбий компетентлигига қўйилган талаблар асосида уйғунлаштирилган;

методик компетенцияларни шакллантиришнинг продуктив, креатив-ижодий ва инновацион фаолиятни ташкил этишда ахборот майдони ва медиа муҳитни интерфаол ҳамкорликда интеграллаш асосида ишлаб чиқилган мактабгача таълим ташкилотлари тарбиячиларининг касбий компетентлигини ривожлантиришнинг тизимли-функционал моделини такомиллаштириш бўйича таклифларидан Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг 2021 йил 18 январдаги 11-сонли буйруғи 3-илоvasи билан тасдиқланган “Мактабгача таълим ташкилотлари тарбиячилари малакасини ошириш курсларининг намунавий ўқув дастури” мазмунига

сингдирилган (Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлигининг 2020 йил 2 сентябрдаги 02-02/2-1059 рақамли маълумотномаси). Натижада, тарбиячиларнинг малака ошириш курслари ўқув методик таъминотини шахсга йўналтирилган таълим технологиялари ривожлантиришга эришилган;

малака ошириш жараёнида мактабгача таълим ташкилотлари педагог-тарбиячилари касбий компетентлик даражаларига қўйилаётган талаблар тизими уларнинг курсдан кейинги фаолият траекториясига мослашувчан даврий ва методик тайёргарлигини назорат қилувчи механизмнинг алгоритмик босқичларини аниқлаштириш асосида такомиллаштириш бўйича илмий хулосалардан ИТД-1-53 “Узлуксиз таълим тизимида ўрта бўғин бошқарув кадрларини танлаш, тайёрлаш ва ўрнига қўйишга замонавий ёндашувлар” мавзусидаги амалий лойиҳалар доирасида материаллар яратишда фойдаланилган. (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 25 июндаги №89-03-2270-сонли маълумотномаси). Натижада, тарбиячиларнинг малакасини ошириш жараёнида қўлланиладиган умумпедагогик технологиялар мукаммаллаштирилган;

тарбиячиларнинг касбий компетентлигини ривожлантиришда компетенциявий, акмеологик ва шахсга йўналтирилган замонавий педагогик ёндашувлар ҳамда “Меню”, “Рецепт”, “Блокчейн”, “Веб-квест” каби усул ва технологиялардан фойдаланишга қаратилган методик тавсиялардан Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси “O‘zbekiston” телерадиоканали ДУК “Маданий-маърифий ва бадиий эшиттиришлар” муҳарририяти томонидан тайёрланган “Таълим ва тараққиёт”, “Болалар ва биз” номли радиоэшиттиришлар сценарийларини тайёрлашда (2019-2020 йиллар давомида) фойдаланилган (Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси “Ўзбекистон телерадиоканали” давлат унитар корхонасининг 2020 йил 29 декабрдаги 04-25-1342-сонли маълумотномаси). Натижада, тарбиячилар малака ошириш жараёнининг натижавийлигини аниқ мезонлар асосида баҳолаш ва мониторинг қилиш имконияти аниқлаштирилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 6 та халқаро ва 5 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 19 та илмий иш, жумладан, 1 та услубий қўлланма, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола, шундан 3 таси республика ва 3 таси хорижий журналларда (1 таси SCOPUS базасида) чоп қилинган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 165 саҳифани ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги асосланган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси баён этилган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, шунингдек, объекти ва предмети аниқлаштирилган, тадқиқот ишининг фан ва технологияларни ривожлантиришнинг муҳим йўналишларига мослиги кўрсатилган, илмий янгилиги, амалий натижалари, натижаларнинг ишончлилиги, назарий ва амалий аҳамияти, натижаларнинг амалиётга жорий этилиши, эълон қилинганлиги, ишнинг тузилиши борасидаги маълумотлар киритилган.

Диссертациянинг **“Малака ошириш жараёнида мактабгача таълим ташкилотлари тарбиячилари касбий компетентлигини ривожлантиришнинг назарий асослари”** номли биринчи бобида мактабгача таълим ташкилотлари тарбиячилари касбий компетентлигини ривожлантириш масаласи долзарб педагогик муаммо эканлиги, мактабгача таълим ташкилотлари тарбиячилари малакасини оширишга компетенциявий ёндашувнинг амалиётдаги таҳлили, мактабгача таълим ташкилотлари тарбиячиларининг касбий компетентлигини ривожлантиришнинг педагогик шарт-шароитлари ёритилган.

Тарбиячи шахсининг касбий фаолияти давомида кундан-кунга ортиб бораётган эҳтиёжларини таъминлаш мақсадида унинг доимий равишда узлуксиз касбий таълим олишга киришиши учун барча талабларга ҳар томонлама мос келадиган таълимий шарт-шароит яратилиши тақозо этилади. Бу талабларнинг асосий белгилари қуйидагилар ҳисобланади: амалиётда малака оширишнинг турли шакллари кўллаш; узлуксиз касбий ривожлантириш, жумладан, малака ошириш курслари дастурларини такомиллаштириш ҳамда уйғунлаштирилган таълим тамойилига асосланиши; таълим технологиясининг шакл ва мазмунини ривожлантириш; таълим дастурларини таҳлил қилиш, меҳнат бозори талабларига мос келувчи юқори компетентли кадрларни тайёрлаш; замон талаби даражасида таълимий шароитларни юзага келтириш, таълим дастурлари сифатини баҳолаш; мактабгача таълим ташкилотларида замонавий ахборот тармоғига асосланган ягона тизимни яратиш, тўпланган тажриба ва натижаларни саралаш; педагоглар ўзлаштирган билим ҳамда компетентлик даражасини объектив мониторинг қилиш тизимини йўлга қўйиш.

Касбий ривожлантириш жараёнида муаммоли, модулли таълим технологиялари ҳамда “Web quest” (таянч маълумоти, иш фаолияти, турли хил фаолиятга қизиқишини ҳисобга олиш)ни амалга ошириш педагог ва тарбиячиларни ўзлаштириш даражасини аниқлашга, малака ошириш курси мазмуни ва таълим шакллари ривожлантиришга туртки бўлади.

Тарбиячиларнинг малакасини ошириш жараёнида қуйидагилар **инобатга олиниши лозим:**

тарбиячининг инновацион жараён иштирокчиси бўлишига эришиш;  
мактабгача таълим ташкилотларининг тарбияланувчиларини тарбиялаш,  
уларга таълим беришнинг замонавий шакл ва методлари билан таништириш;

“Илк ва мактабгача ёшдаги болалар ривожланишига кўйиладиган давлат талаблари”нинг барча соҳаларини ўзлаштириш.

Мактабгача таълим ташкилотлари тарбиячилари малакасини оширишда уларнинг педагогик маҳорати даражасини ошириш асосий ўрин тутди. Маҳоратнинг шаклланиши ва ўсиб боришида креативликнинг аҳамияти катта. Педагогик фаолиятда эса, креатив ёндашув оқилона ечим ҳисобланади. “Креативлик (ижодийлик) қандайдир янги, бетакрор нарса ярата олиш лаёқати, бадиий шакл яратиш, фикрлаш, ғоя ва ечимга олиб келувчи ақлий жараёндир”.

Хулоса ўрнида “касбий компетентлик” тушунчасига муаллифлик таърифини келтирамиз: **касбий компетентлик педагогик вазиятларда ўз билим, кўникма ва малакаларини оқилона қўллаш, педагогик муаммоларни ҳал этишда тарбияланувчиларга таъсир кўрсатиш усул ва услублари ҳамда воситаларидан моҳирона фойдалана олиш имкониятини берувчи касбий фазилатлар мажмуидир.**

Бугунги кунда мактабгача ёшдаги болаларга таълим-тарбия бериш жараёнида кўзга яққол ташланаётган муаммолар тарбиячиларнинг олдига янгича касбий ва шахсий сифатга эга бўлишни, тизимли ижодий тафаккурни, ахборот, коммуникатив маданият, рақобатбардошлилик, лидерлик сифатлари, ҳаётий интилиш ва ўзига бўлган юқори ишонч, ўзининг шахсий имиджини яратиш кўникмаси, ўз фаолиятини англаган ҳолда таҳлил қилиш қобилияти, иш фаолиятида юзага келган низоли вазиятларда мустақил равишда ҳаракат қила олиш, ўз касбига бўлган муҳаббати орқали давр талабига мос касбий компетентликка эга бўлиш вазифасини кўймоқда.

Мактабгача таълимда янгича ижодий соғлом рақобат муҳитини яратиш тарбиячиларнинг мотивациясинини ошириш, уларнинг касбий ривожлантириш жараёнлари таълим мазмунини янгилаш, касбий фаолиятини яхшилаш, шарт-шароит яратиш заруратини белгилайди.

Мактабгача таълим ташкилотларининг самарадорлиги ва нуфузини оширишда педагог - кадрларнинг салоҳияти энг зарур компонент ҳисобланади. Салоҳиятли ва компетентли кадрлар билан таъминланган муассасаларда таълим мазмунини амалиёт билан боғлаган ҳолда сифатли машғулотларни ташкил этилиши кафолатланади.

Курс аввалида тарбиячиларнинг малака оширишга бўлган эҳтиёжлари асосида яратилиши лозим бўлган педагогик шарт-шароитлар баён этилган эди. Тарбиячиларга профессор-ўқитувчи (курс раҳбари) томонидан “Алгоритм режа” тузиш бўйича таклиф ва тавсиялар берилади. Мазкур режада тарбиячилар бир ой давомида педагогик фаолияти учун зарур бўлган қандай янгиликларни ўзлаштиришлари лозимлигини кетма-кет ёзиб чиқадилар ва курс давомида “Алгоритм режа”ни мониторинг қилиб борадилар (1-жадвал).

Малака ошириш курсида ўзлаштириш	Изоҳ
Машғулотларни замонавий технологиялар асосида ташкил этиш	
“Илк қадам” давлат дастурини самарали татбиқ этиш	
Ота-оналар билан ноанъанавий шаклда ишлаш	
Ривожлантирувчи муҳит яратиш	
Касбий компетентликни ривожлантириш	
Болалар билан шахсга йўналтирилган ёндашувни самарали ташкил этиш	
Гуруҳдаги илғор тажрибали тарбиячи фаолиятини ўрганиш	

Ҳар бир тарбиячи “Алгоритм режа”ни малака ошириш курси давомида бириктирилган ўқитувчиси (курс раҳбари) билан ҳамкорликда мониторинг қилиб боради. Курс якунида умумий таҳлил қилинади. Тарбиячилар ўзлаштирган билимларининг динамикасини ишлаб чиқадиладар. Мазкур жараён самарали рефлексив фаолиятни олиб боришни таъминлайди.

Тарбиячиларнинг касбий малака ва компетентлигини ошириш курслари бугунги кун талабига мувофиқ замонавий технологиялар асосида ташкил этилмаётганлиги, мазкур технологиялардан фойдаланиш орқали тизим мазмунини такомиллаштириш, жараённи ташкил этишга инновацион ёндашиш лозимлигини кўрсатмоқда.

Тарбиячиларнинг касбий малакаларини ошириш жараёнида:

- тингловчиларнинг хоҳиш-истак ва имкониятларини инобатга олиш;
- барча иштирокчиларни ҳамкорликда ишлашга ундаш;
- субъект-субъект муносабатини ўрнатиш;
- тарбиячиларнинг замон талаби даражасида малака оширишлари учун уларда касбий мотивацияни ривожлантириш;
- ҳаётий тажрибалар (ижтимоий ва касбий) ва амалиётга таянган ҳолда янги билим бериш;
- таълим мақсади, мазмуни, метод ва шакллари, восита ва манбаларини эркин танлашга имконият берадиган малака ошириш мазмуни ва сифатига ижобий таъсир кўрсатадиган электив таълимни йўлга қўйиш.

Шунингдек:

- таълим натижаларини таҳлил қилиш ва баҳолаш;
- тарбиячиларда машғулотдан олдин аниқ ва натижаларни кафолатлайдиган мақсадларни қўйиш, муаммоли вазиятлардан чиқиш ечимларини излаб топиш кўникмаларини шакллантириш;
- тарбиячиларнинг касбий фаолиятга қизиқишини шакллантирадиган курсларни ташкил этишда инновацион педагогик технологияларнинг кенг

имкониятларидан самарали фойдаланиш кабилар таълим самарадорлигида муайян натижаларга эришишни кафолатлайди.


Диссертациянинг “**Малака ошириш жараёнида мактабгача таълим ташкилотлари тарбиячилари касбий компетентлигини ривожлантиришнинг самарали усул ва методлари**” номли иккинчи бобида малака ошириш жараёнида мактабгача таълим ташкилотлари тарбиячилари касбий компетентлигини ривожлантиришнинг ўзига хос жиҳатлари ҳақида маълумотлар берилган. Шунингдек, ушбу бобда мактабгача таълим ташкилотлари тарбиячилари малакасини оширишнинг ташкилий-дидактик тизими, мактабгача таълим ташкилотлари тарбиячилари малакасини оширишнинг самарали метод, шакл ва воситалари, малака ошириш жараёнида мактабгача таълим ташкилотлари тарбиячилари касбий компетентлигини ривожлантириш модели ва унинг асосий компонентлари моҳияти масалаларига алоҳида урғу берилган.

Мактабгача таълим ташкилотлари тарбиячилари касбий компетентлигини ривожлантиришда тарбиячининг касбий компетентлиги тузилмаси алоҳида ўрин тутди.

Биз тадқиқотимизда малака ошираётган тарбиячиларнинг касбий компетентлигини ривожлантиришда ташкилий-дидактик тизим компонентларини аниқлаштирдик. Булар қуйидагилардан иборат: ўқитиш мазмуни; тарбиячи касбига қўйиладиган замонавий талаблар; таълим берувчи профессор-ўқитувчилар салоҳияти; замонавий техник таъминот; ўқитишнинг илғор шакл ва усуллари мажмуи (банки); таълимнинг асосий ва ёрдамчи воситалари; замонавий педагогик ёндашувлар, халқаро баҳолаш дастурлари талаблари асосида яратилган янги авлод адабиётлари; миллий кадриятларимизга ва тарбия тамойилларига мувофиқ яратилган таълимнинг кўргазмали ва амалий манбалари. Тарбиячиларнинг малакасини ошириш жараёни ва унинг ташкилий-дидактик тизими борасида гап кетганда, соҳа учун дидактик воситаларни яратиш, унга қўйиладиган талаблар, бу борада бозор механизмларига асосланган талаб-таклиф муносабатларини шакллантириш тизимини яратиш долзарб эканлиги айтиб ўтиш жоиз. Бу борадаги муносабатлар тизими қуйидан юқорига принципи асосида шакллантирилиши мақсадга мувофиқ. Жараённи мувофиқлаштириш таълимни назорат қилувчи ва бошқарувчи юқори ташкилотлар зиммасига тушади.


Мактабгача таълим ташкилотлари тарбиячилари касбий компетентлигини ривожлантиришда дидактик тизим алоҳида аҳамият касб этади.

Тадқиқот натижасида мактабгача таълим ташкилотлари тарбиячисининг касбий компетентлиги тузилмаси ишлаб чиқилди (1-расмга қаранг).



**1-расм. Тарбиячилар касбий компетентлиги тузилмаси**

Малака ошириш жараёнида методик ва амалий тайёргарлик, дастурли мақсадли ёндашув тадқиқотчилик фаолияти амалга оширилади. Педагогик рефлексия ўтказиш малака ошириш ва касбий фаолиятнинг ўзаро алоқасини таъминлайди. Тадқиқотимиз жараёнида тарбиячиларнинг касбий компетентлигини такомиллаштириш модели ишлаб чиқилди (2-расмга қаранг).



**2-расм. Тарбиячилар касбий компетентлигини ривожлантириш модели**



Тарбиячининг касбий компетентлигини ривожлантириш мураккаб жараён бўлиб, бунинг учун аниқ бир тизим талаб этилади. Унда мутахассис шахсини ривожлантириш механизми ва педагогик фаолиятини ташкил этиш кўзда тутилади.

Малака ошириш жараёнида тарбиячиларнинг касбий компетентлигини ривожлантиришга йўналтирилган “Т-5”, “Фикрлар галереяси”, “Блокчейн”, “Locus”, “Чақирув”, “Web-quest”, “Икки қисмли кундалик”, “LSP” (Lego Serious Play), “ТТТТ” (тезис-таҳлил-танқид-тадбик), “Коллаборатив таълим” каби технология ва методлардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг **“Малака ошириш жараёнида мактабгача таълим ташкилотлари тарбиячилари касбий компетентлигини ривожлантиришнинг самарадорлиги”** деб номланган учинчи бобида тажриба-синов ишлари ва уларнинг натижалари ёритилган. Тажриба-синов ишлари 2018-2020 йилларда амалга оширилди. Малака ошириш жараёнида мактабгача таълим ташкилотлари тарбиячилари касбий компетентлигини ривожлантиришнинг аҳамияти аниқланди. Диссертацияда тадқиқот мавзусига оид илмий, амалий манбалар қиёсий ўрганилди ва таҳлил этилди, малака ошириш тизимидаги тажрибалар ўрганилди. “Мактабгача таълим ташкилотлари тарбиячилари малакасини ошириш” курслари учун тузилган ўқув-мавзу режа такомиллаштирилди; Тажриба-синов ишларининг самарадорлигини таҳлил этиш мақсадида назорат иши (якуний тест) учун ишланмалар ғоявий жиҳатдан бойитилди ва такомиллаштирилди; мактабгача таълим ташкилотлари тарбиячиларининг касбий компетентлигини такомиллаштиришга оид малака иши мавзулари ишлаб чиқилди; Андижон, Тошкент вилоятлари ХТХҚТМОХМларида мавжуд махсус илмий-методик адабиётлар (кичик кутубхоналарнинг таркиби) ва Интернет ахборот тармоғидаги тегишли сайтлар, уларнинг электрон манзиллари, вилоятларнинг чекка ҳудудларидаги мактабгача таълим ташкилотлари тарбиячиларининг касбий компетентлигини ривожлантириш борасидаги зарур шарт-шароитларнинг мавжудлиги ўрганилиб, буклетлар тайёрланди ва жойларга тарқатилди; мактабгача таълим ташкилотлари тарбиячиларининг касбий компетентлигини ривожлантиришга мўлжалланган “Мактабгача таълимда замонавий ёндашувлар” номли услубий қўлланма тайёрланди ва унинг ғоялари республика миқёсида ХТХҚТМОХМларида тажриба-синовдан ўтказилди.

Ушбу мезон асосида курс мазмуни ва самарадорлиги “юқори”, “ўрта”, “паст” даражалар билан баҳоланди. Яъни, юқори даража – курс мазмуни тарбиячилар эҳтиёжини қондира олди, улар ўзлаштирилган назарий билимларини амалиётда 70-100 фоиз қўллай оладилар, курснинг самарадорлиги юқори; ўрта даража – курс жараёни тарбиячилар эҳтиёжларини қисман қондира олди, тингловчилар ўзлаштирилган назарий билимларни амалиётда 50-65 фоиз қўллай оладилар, курснинг самарадорлиги ўртача; паст даража – курс мазмуни тарбиячилар эҳтиёжи ва қизиқишларини қондира олмади, улар ўзлаштирилган назарий билимларини амалиётда 30-40 фоиз қўллай оладилар, курснинг самарадорлиги паст.

Анкета, суҳбат, кузатиш, тест синовлари ўтказилди ва тажриба-синов ишлари натижалари математик-статистик таҳлил қилинди.

Ўтказилган тажриба-синов натижаларига асосланган ҳолда тарбиячиларнинг “Мактабгача таълимга замонавий ёндашувлар” илмий-тажрибавий махсус курс дастурини ўзлаштириш ҳамда респондент-тарбиячиларнинг малака ошириш курслари таҳсили жарёнида замонавий технологиялар асосида таълим-тарбия жараёнини ташкил этиш билим, кўникма ва малакаларини ўзлаштириш самарадорлигини аниқлаш бўйича тажриба ва назорат гуруҳларидаги ўзлаштиришлари математик статистика методлари асосида таҳлил этилди. Тажриба-синовда жами махсус курс дастури бўйича 443 нафар ҳамда замонавий технологиялар асосида таълим-тарбия жараёнини ташкил этиш бўйича 438 нафар респондент-тарбиячилар қатнашишди. Шундан, махсус курс дастури бўйича тажриба аввалида 220 нафар, тажриба якунида 218 нафар ҳамда замонавий технологиялар асосида таълим-тарбия жараёнини ташкил этиш бўйича 220 нафар тарбиячи тажриба гуруҳини ва 218 нафар тарбиячи назорат гуруҳини ташкил этди. Юқоридаги мезонлар натижаларига асосланган ҳолда тарбиячиларни “Мактабгача таълимга замонавий ёндашувлар” илмий-тажрибавий махсус курс дастурини ўзлаштириш бўйича самарадорлигини аниқлаш юзасидан ўтказилган тажриба ва назорат гуруҳларидаги ўртача ўзлаштиришларни даражаси бўйича якуний тақсимот жадвалини келтирамиз (2-жадвал).

## 2-жадвал

### Тарбиячиларни “Мактабгача таълимга замонавий ёндашувлар” илмий-тажрибавий махсус курс дастурини ўзлаштириш бўйича ўтказилган тажриба-синов натижалари бўйича якуний тақсимот

Гуруҳлар	Даража кўрсаткичлари (респондентлар сони ҳисобида)		
	Юқори	Ўрта	Паст
Тажриба гуруҳи (220 нафар)	141	66	13
Нazorat гуруҳи (218 нафар)	72	105	41

Тажриба-синов натижалари таҳлиliga кўра, тадқиқот жараёнига жалб этилган тажриба тингловчилари назорат гуруҳи тингловчиларига нисбатан билим, кўникма ва малакалари самарали шаклланганлиги аниқланди. Бу ҳолатни объектив баҳолаш учун статистик таҳлил амалга оширилади, аниқланган хулосагина тажриба-синов ишларининг илмий, педагогик, технологик ва методик жиҳатдан тўғри самарали олиб борилганини тасдиқлайди. Тажриба-синов якунида статистик таҳлилни амалга ошириш учун Стьюдент ва Пирсон методлари танланди. Мазкур метод икки гуруҳда қайд этилган кўрсаткичларни аниқлаш ва объектив баҳолаш имконига эга. Математик статистик методнинг моҳиятига кўра, тажриба ва назорат гуруҳларида қайд этилган кўрсаткичларни статистик танланмалар сифатида

белгиланиб юқори, ўрта ва паст даражалар бўйича вариацион қаторларни ҳосил қилиш лозим бўлди. Тажриба гуруҳидаги ўзлаштириш кўрсаткичлари ва тарбиячиларсонини мос равишда  $X_i; n_i$  лар ва шу каби назорат гуруҳидагини эса  $Y_j; m_j$  лар орқали белгилаб олиб, қуйидаги статистик гуруҳланган вариацион қаторларга эга бўламиз, шунингдек, юқори кўрсаткични 3 балл билан, ўрта кўрсаткични эса 2 балл билан ва паст кўрсаткични 1 балл билан белгилаймиз.


Тажриба гуруҳидаги ўзлаштириш кўрсаткичлари:

$$(1) \begin{cases} X_i & 3; & 2; & 1; \\ n_i & 141; & 66; & 13; \end{cases} \quad n = \sum_{i=1}^3 n_i = 220$$

Назорат гуруҳидаги ўзлаштириш кўрсаткичлари:

$$(2) \begin{cases} Y_j & 3; & 2; & 1; \\ m_j & 72; & 105; & 41; \end{cases} \quad m = \sum_{j=1}^3 m_j = 218$$

Бу танланмаларга мос келган диаграмма қуйидагича кўринишни олади (3-расм):



**3-расм. Тарбиячиларнинг “Мактабгача таълимга замонавий ёндашувлар” илмий-тажрибавий махсус курс дастурини ўзлаштириш бўйича ўтказилган тажриба-синов натижалари диаграммаси**

Чизилган диаграмманинг ҳар бири статистик жадвал нормал тақсимотга эга бўлган бош тўпламлардан олинганлиги ҳақидаги фараз-гипотезани олдинга суриш мумкин эканлигини кўрсатади. Диаграммадан кўришиб турибдики, тажриба гуруҳидаги кўрсаткичлар назорат гуруҳидаги кўрсаткичларидан юқори экан.

Қуйидаги жадвалда респондент-тарбиячиларнинг малака ошириш курслари таҳсили жарёнида замонавий технологиялар асосида таълим-тарбия жараёнини ташкил этиш билим, кўникма ва малакаларини ўзлаштира олганликларига бўлган муносабатлари ёритилган (3-жадвал). Жадвалдан кўришиб турибдики, курс мазмуни тарбиячиларнинг курсдан кутган натижалари билан 84-89 фоизга мос келмоқда. Ўрганувчи тадқиқот даврида малака оширишга жалб этиладиган тарбиячиларнинг аксарияти малака ошириш жараёнида бериладиган материаллар уларнинг педагогик фаолиятида тажрибаларни ривожлантириш учун хизмат қилмаслигини, зеро

улар таянч билимларга асосланган маълумотлардан иборатлиги қайд этиб ўтилган эди.

### 3-жадвал

#### Респондент-тарбиячиларнинг малака ошириш курслари самарадорлигини белгилашга бўлган муносабатлари (вилоятлар бўйича)

Вилоятлар	Тингловчи - респондентлар сони – 220 нафар тажриба гуруҳи											
	Мезонлар											
	1-мезон			2-мезон			3-мезон			4-мезон		
	юқори	ўрта	паст	юқори	ўрта	Паст	Оқори	ўрта	паст	Оқори	ўрта	Паст
Андижон (75 нафар)	42	19	14	45	17	13	43	21	11	47	16	12
Тошкент (70 нафар)	44	15	11	42	19	9	41	17	12	43	18	9
Самарқанд (75 нафар)	43	18	14	44	20	10	46	19	10	48	14	13
Жами тарбиячи	129	52	39	132	56	32	130	57	33	138	48	34
	<b>220</b>			<b>220</b>			<b>220</b>			<b>220</b>		

### 4-жадвал

Вилоятлар	Тингловчи - респондентлар сони – 218 нафар назорат гуруҳи											
	Мезонлар											
	1-мезон			2-мезон			3-мезон			4-мезон		
	юқори	ўрта	паст	юқори	ўрта	паст	юқори	ўрта	паст	юқори	ўрта	паст
Андижон (72 нафар)	13	27	32	23	31	18	25	17	30	17	20	35
Тошкент (78 нафар)	27	22	29	19	17	42	21	19	38	23	25	30
Самарқанд (68 нафар)	21	17	30	24	21	23	19	21	28	20	23	25
Жами тарбиячи	61	66	91	66	69	83	65	57	96	60	68	90
	218			218			218			218		

Тажриба-синови учун биз томонимиздан тавсия этилган тизимнинг мазмуни мактабгача таълим ташкилотлари тарбиячиларининг касбий фаолиятига оид маълумотларни ўрганиш негизида назарий ва амалий билимларни бойитишга хизмат қилувчи янги билимлар, мактабгача таълимга оид сўнгги янгиликлар, эришилган ютуқ ва натижалар, замонавий технология моҳиятини ёритувчи манбаларни малака ошириш курсига қадар мактабгача таълим бўлимларига телеграм канали орқали етказиб берилганлиги респондент-тингловчиларда юқоридаги каби эътирозларни юзага келтирмади.

Илмий изланиш даврида малака ошириш курсларни ташкил этишга оид ташкилий масалалар ҳам изчил ҳал этиб борилди. Ана шу мақсадда малака ошириш жараёнига қадар малака ошириш ҳудудий марказлари ва вилоят мактабгача таълим бошқармалари билан ўзаро ҳамкорлик ўрнатилиб,

курсларга жалб этилишини режалаштирилган ва амалда курсларда таълим олган тингловчиларнинг сони таҳлил этилди.


Энди тажриба сўнгида респондент-тарбиячиларнинг малака ошириш курслари таҳсили жарёнида замонавий технологиялар асосида таълим-тарбия жараёнини ташкил этиш билим, кўникма ва малакаларини ўзлаштириш бўйича самарадорлигини аниқлашда қандай натижаларга эришилганини аниқлаймиз (5-жадвал).

5-жадвал

**Респондент-тарбиячиларнинг касбий компетентлигини  
ривожланганлигини аниқлаш кўрсаткичлари  
(тажрибадан кейинги ҳолат учун)**

Гуруҳлар	Респондентлар сони	Ўзлаштириш даражаси		
		Юқори	Ўрта	Паст
Тажриба	220 нафар	112	66	42
Назорат	218 нафар	48	96	74

